



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (12.101)

Баҳоси эркин нарҳда

Болалар спорти

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Аёл зоти ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди, суякли ёр ва меҳрибон она бўлишни истайди. Бунинг асосий омили эса соғлиқдир. Соғлом аёлнинг юзи тиниқ, қадди-қомати келишган, руҳи тетик бўлади. Оила мустаҳкамлиги, фарзандлар баркамоллиги, турмушдаги меҳр-муҳаббатда ҳам бу муҳим ўрин тутаяди.

Хотин-қизлар учун бахту саодат мезони бўлган ушбу жиҳатларга эришишда спортнинг ўрни бекиёс. Айниқса, бадий гимнастика билан шуғулланиш уларнинг гўзал ва соғлом бўлишига ёрдам беради, юриши ва ҳаракатларига назокат бағишлайди. Бадий гимнастиканинг мусиқа билан ҳамроҳлиги инсоннинг маънавий дунёсини бойитади, дидини тарбиялайди.

Энг муҳими, спорт билан шуғулланган қиз соғлом бўлади, келгусида соғлом болаларни дунёга келтиради. Уларни ҳам спортга жалб қилади, соғлом ва баркамол этиб вояга етказаяди. Бу бутун жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топишига, миллат генофондининг яхшиланишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йил 10 февраль куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмаиеси Хомийлик кенгашининг йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, қизларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омили эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, хусусан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришда, аввало, ана шу мезондан келиб чиқиб иш тутилмоқда. Қизларни спортга жалб этиш борасида алоҳида эътибор ва ёндашув шаклланди, зарур шарт-шароит яратилди. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, олий таълим муассасаларида аёл ўқитувчи ва мураббияларни тайёрлашга кенг ўрин берилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»-ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонунлар, фармон ва қарорлар юртимиз ёшларининг жисмоний ва маънавий камолотида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаёттир.

Имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, тиббий-психологик, маънавий кўмак бериш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига яқиндан ёрдамлаш масалалари – доимий эътиборда. Айниқса, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги йўлга қўйилган муҳим аҳамият касб этаёттир. «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жағмаиеси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, маърифий анжуманлар ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, жамиятга интеграциялашуви таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, билим олиши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хўнар эгаллашида кенг имкониятлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда васийлик асосида тарбияланган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омили бўлаёттир. Ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА — САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ОМИЛИ

Тошкент вилоятининг чекка ҳудудларидан бири – Бўстонлик туманида яшовчи Наргиза Ҳалимбоева ана шундай мураббийлардан. У Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатган.

– Ҳозир қишлоғимиздаги 10-мактабда жисмоний тарбиядан дарс бераман, – дейди Н.Ҳалимбоева. – Болалигимда болалар шифокори бўлишни орзу қилгандим. Бугун, ҳеч иккиланмай, ана шу орзумга эришдим, дея оламан. Чунки спорт ҳам касалликларнинг олдини олади, танани чиниктиради, характерни тоблайди. Бу эса саломатлик гаровидир.

– Бизнинг давримизда жисмоний тарбия бўйича аёл ўқитувчилар деярли



Ҳа, бугун ота-оналар қизларининг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, балки қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини мамнуният билан таъкидламоқдалар. Бу юртошларимизнинг онгу шуурида спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларнинг тубдан ўзгаргани самарасидир. Қолаверса, бунинг учун зарур шарт-шароит, кенг имконият бор.

Илгари бадий гимнастика билан фақат спортчи бўлишни мақсад қилган ёки бунга касб сифатида танланганлар шуғулланарди. Бундай тўғараклар эса ниҳоятда кам эди. Жисмоний тарбия дарсларида бадий гимнастика спорт тури сифатида ўтилмасди. Ушбу нафис спорт билан шуғулланувчилар сони Ўзбекистондаги барча қизларнинг бир фоизини ҳам ташкил қилмасди.

(Давоми 4-бетда)

Жамиятимиздаги мурувват ва бағрикенглик муҳити, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат самарасида ҳар бир бола меҳр ва эътибордан баҳраманд бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимоя

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

топиши учун кўмаклашишда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатиде шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок эди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси-

ни мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув материаллари, компьютер техникаси ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ушбу масканлардаги маърифий-тарбиявий ишларни давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, уларни турли тўғараклар, спорт секцияларига жалб этиш, истеъдоди ва қобилиятини аниқлаш, юзага чиқариш, касб-хўнарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЖОРЖ КРОЛ: АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол билан суҳбатлашди.

– Жаноб элчи, аввало бугунги кунда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари қандай ривожланиётгани ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

– АҚШ билан Ўзбекистон муносабатлари тобора изчил ривожланмоқда, ўзаро ҳамкорлик барча йўналишларда кенгайиб бормоқда. Давлатларимиз хавфсизлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар каби кенг қўламли масалаларни қамраб олган мулоқотларда янада фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда ўзаро ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантиришнинг асослари ўз ифодасини топади. Айни пайтда мазкур Декларация муносабатларимизга оид барча масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз дастури ҳамдир. Биз Декларацияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Ушбу жараёнга кўмаклашиш мақсадида, бу борадаги вазифаларни ҳал этишга доир режаларимизни аниқ белгилаб олиш, шунингдек, эришилган ютуқларни таҳлил қилиш учун 2009 йилда ҳар йили ўтказиб турилувчи икки томонлама маслаҳатлашувлар механизми жорий этилди.

Бунинг натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида муайян муваффақиятларга эришилди. Мисол учун, 2010 йилда, АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида АҚШ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бугунги кунда томонлар ушбу ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда.

Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан самарали маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, мазкур маслаҳатлашувлар икки томон учун ҳам фойдали бўлиб, бундай мулоқотларни мунтазам ва янада кўпроқ ташкил этишимиз лозим. Мамлакатларимизда ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун улкан имкониятлар мавжуд. Биз ўзаро ҳамкорликда бу салоҳиятдан самарали фойдалана бошладик. Эндиги вазифа уни давом эттириш ва кенгайтиришдан иборат.

– Ўзбекистон АҚШдаги бир қатор йирик компаниялар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда «General Motors» корпорациясини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур корпорация ҳамкорлигида «GM Ўзбекистон» қўшма корхонаси таъсис этилган. Ушбу компания билан биргаликда, шунингдек, 2011 йилда «Женерал Моторс Пауэртрейн – Ўзбекистон» қўшма корхонаси ишга туширилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истикболлари ҳақида нима дея оласиз?

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фонд маблағини ҳолис ва оқилона йўналтириш, унинг мақсадли сарфланишига эришиш, бу борада изчил мониторинг ўтказишга доир масала муҳокама қилинди.

• Тошкентда «Давлат бюджети маблағлари ҳисобига харид қилинадиган хом ашёдан касб-хўнар коллежларидаги ўқув-амалиёти жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл тумани марказида 282 миллион сўм маблағ эвазига замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қурувчилари томонидан бунёд этилган мажмуада 300 нафар ўғил-қизнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

• Наманган туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳудудда фаолият кўрсатаётган 30 корхона ва ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари 335 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада қатнашган фуқаролар, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлардан 125 нафари ўз мутахассислигига мос иш топиб, тегишли меҳнат жамоаларига ишга кириш учун йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

• Сенегалда президент сайловлари тинч-осойишта ва сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтмоқда.

• Пхеньян томонидан жиддий хавф мавжудлигига қарамай, АҚШ ва Жанубий Корея ҳамкорлигида ҳарбий машқларни бошлади.

• Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳри кўчаларида ҳаракатланаётган 600 та таксига видеокамера ва сўзлашувларни ёзиб боровчи ускуна ўрнатилган бўлди. Йўловчилардан тушадиган ариза ва шикоятларни текшириш пайтида вазиятга аниқлик киритиш мақсадида шундай қилинмоқда. Бундан ташқари, шу йўл орқали йўловчилар хавфсизлиги таъминланишини қучайтириш ҳам назарда тутилган.

• Тувада қучли ер қимирлаши натижасида Марген дарёси ўзанидан тошиб кетди ва натижада яқин атрофдаги қишлоқларни сув босиб хавфи туғилди.

• Эстония парламенти олий таълимни ислоҳ қилиш бўйича янги қонун лойиҳасини қабул қилди. Бироқ бу лойиҳа кўпгина талабаларнинг норозилигига сабаб бўлди. Негаки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат бюджет ўринларида ўқитганлар учун талабни янада қатъийлаштиради. Яъни бир ўқув семестрида 30 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлган талабалар олий таълим муассасаси томонидан контракт асосида ўқийдиган йўналишга ўтказилиши мумкин.

• Кеча Канадада йўловчи поездининг рельсдан чиқиб кетиши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида «Ҳозирги даврда ах-

борот-кутубхона муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги муштарак вазифалар» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томо-

нидан вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Юнусобод туман ҳокимлиги, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссия ҳамда «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда ИИБ ва ички рўйхатда турган тарбияси оғир ва нотинч-ноқобил оила фарзандлари

ўқувчилари билан семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи томонидан туманда жойлашган 307-мактабда «Гибевандлик — инсоният душмани!» мавзусида шифокор иштирокида давра суҳбати ўтказилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ишончим комилки, АКШ билан Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлиги улкан истиқболга эга. Келгусида Ўзбекистонда нафақат «General Motors», балки АКШнинг бошқа йирик компаниялари ҳам фаол иш олиб боришига ишонаман. Умуман икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида ҳам ана шундай фикрни айтиш мумкин. Ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш жараёнига кўмак кўрсатиш элчи сифатида меннинг ва бутун АКШ элчихонасининг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайман.

– Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқаларни изчил ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

ЖОРЖ КРОЛ: АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

– Ҳамкорлигимизнинг мазкур йўналишида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Бир неча йил аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нуфузли делегацияси ташрифи билан Вашингтонда бўлди. Жорий йилда ҳам Ўзбекистон парламенти делегациясининг АКШга ташрифи режалаштирилмоқда. Ўзбекистонда 2011 йилда сенатор Линдсей Грэй-

хем ташриф билан бўлди. АКШ Конгресси аъзолари ва сенаторларининг мамлакатингизга ташрифлари янада фаоллашди, деб умид қиламан. Zero, бундай бевосита алоқалар ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати би-

лан қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

– Давлатларимиз ўтган йиллар давомида ҳамкорлик борасида ўз зиммасига олган асосий мажбуриятларига содиқ қолган ҳолда, икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни ўзаро ҳурмат руҳида янада ривожлантиришга бўлган интилишини намойён этиб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлиши муносабати билан шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ҳам давлатларимиз, халқларимиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик гоёларига содиқликка асосланган муносабатларимизни ривожлантиришга интилаверамиз.

Олим Тўрақулов
сухбатлашди

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармасининг ўқув марказида математика, физика, кимё, биология, информатика, тасвирий санъат, хореография тўғрисида, театр студияси фаолият кўрсатаётир. Бу ерда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари мактабда олган билимининг янада бойитиш, мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бу уларнинг касб танлашига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига биноан «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллари» уюшмаси ташкил қилингани соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, айниқса, ота-онасидан эрта ажралган болалар учун бошқалардан кам бўлмаган турмуш шароитини яратишга хизмат қилмоқда.

– Болаларга нафақат таълим-тарбия бериш, балки келгуси ҳаётида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама кўмаклашиш муҳим аҳамиятга эга, – дейди ЮНИСЕФнинг масъул ходими Кристина Гейл. – Бу масалага Ўзбекистонда алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Отана қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг нафақат Меҳрибонлик уйларида, балки ўзаро меҳр-оқибат муҳитига асосланган «SOS – болалар маҳаллари»да тарбияланаётгани эътиборга молик. Бу борада Ўзбекистон таъбиби бошқа давлатлар учун намуна бўла олади.

Давра суҳбатига ваъдасиз асосида тарбияланиб воёга етган ёшларда ҳаётини кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар таҳлил этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Транспорт

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИГА КЕНГ ЙЎЛ

Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси томонидан тизим салоҳиятини ошириш мақсадида меҳнат самарадорлигини таъминлашга қаратилган техникавий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Энг яхши рационализаторлик таклифлари» танлови ҳам айнан шу йўналиш ривожига қаратилмоқда.

Қимматбахо деталларнинг хизмат муддатини узайтириш, хом ашё воситаларини иқтисод қилишга доир изланиш ҳам танловда юқори баҳоланди. Уни амалиётга татбиқ этиш натижасида темир йўл корхоналари иқтисодий самарага эришишди.

«Контактсиз трансмиттер БТ-2» темир йўл йўлчиқларидаги сигналларни ўлчаш тизимини осонлаштириш, унинг ишини янада самарадор бўлишини таъминламоқда.

«Кучлук» бекатидаги электр таъминоти тизимини ўзгартириш» лойиҳаси ҳам амалиётга татбиқ қилинди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти «Автоматика ва телемеханика» факультети олимлари тақдим этган «Контактсиз микропроцессорли кодли йўл трансформатори» деб номланган мослама аввалги мавжуд КПП-5 ва КПП-7лардан кам энергия сарфи, ишлатиш муддатининг узоқлиги, ҳарорат диапазонининг катталиги билан фарқ қилади.

Яна қатор техника ижодкорлиги намуналарини ишлаб чиқаришга жорий этиш режалаштирилди.

Аҳмад АББОСОВ

Ҳар бир автомобилотранспорт эгаси ўз автомобилини ёки мотоциклдан амалдаги меъёрларга, қондаларга, жумладан, мажбурий техник кўриқдан ўтиш, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиш ва ҳ.з.ларга мос равишда фойдаланиши керак. Айни пайтда ҳаракатланиш воситасининг узоқ муддат хизмат қилишида эгасининг муносабати муҳим омили ҳисобланади. Бутловчи қисмлар, мойни ўз вақтида алмаштириш, диагностика ва двигатель, тормоз тизимидаги носозликларни аниқлаш, кузов ҳолати ҳақида қайғуриш ва автомобиль тизимининг бошқа блоklarини профилактика қилиш автомобилни устахонага олиб бориш муддатини ортага суради.

Қарор ва ижро

АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Бутловчи қисмларнинг замонавий бозори бугунги кунда деярли ҳар қандай русумли автомобиль учун детални танлаш ёки уни алмаштириш имконини беради. Юқоридагилар рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини реставрация қилиш ёки таъмирлашга тааллуқли эмас, айти пайтда улар ҳам йўл-транспорт ҳодисалари ёки нотўғри фойдаланганлик оқибатида шикастланиши мумкин. Рақам белгилари шикастланган ҳолларда уларни қайта ясаш ёки алмаштириш тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Аммо кўпчилик автомобил эгалари хусусий автоташкирлаш устахоналарига мурожаат этиб, рақам белгиларини тиклаб беришни илтимос қилишади, бу эса ҳам автомобилотранспорт воситаси эгасининг, ҳам устахонанинг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 июндаги 131-сонли «Автомобилотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ишлаб чиқариш ҳуқуқи Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Қурилиш-монтаж бошқармаси ҳузуридаги «Ўзавтомобелги» ШКга берилган. Ушбу корхона пойтахтимизда 2008 йилнинг октябрдан фаолият юритмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган давлат рақами белгилари билан ҳозирги пайтда рўйхатдан ўтаётган барча автомобилотранспорт воситалари жиҳозланмоқда, шунингдек, фойдаланиш давомида деформацияга учраган рақамлар алмаштирилмоқда. Рақам белгилари энг замонавий ускуналарда, сертификацияланган материаллардан Германия технологияси бўйича ишлаб чиқарилмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнида юқори сифатли металл қотишмалар қўлланилади, тайёр рақам белгиси қопламаси чидамли ва юқори коррозияга қарши хусусиятларга эга бўлиб, ёруғлики акс эттирувчи зарур эффект таъминланади. Бундан ташқари, рақам белгиларидан узоқ вақт давомида фойдаланилиши мумкин ва улар қалбақлаштиришдан юқори даражада химояланган. Ҳар бир маҳсулот бу турдаги маҳсулотлар учун кўзда тутилган халқаро стандартларга мос. «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан рўйхатдан ўтказиш давлат рақамларини ишлаб чиқариш жараёнида стандартлар талабларига риоя қилиниши устидан доимий назорат механизми ўрнатилган.

– Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари шикастланган ёки деформацияга учраган пайтда автомобиль эгаларининг хусусий устахоналарга уларни тиклаш учун мурожаат этиши ҳоллари учраб туради, – дейди Тошкент шаҳри ИХББ бўлим бошлиғи Зоир Сайдалиев. – Айни пайтда автомобилотранспорт воситалари эгалари рақам белгиси кўпбола таъмирланган бўлса қабул қилинган стандартларга жавоб бермай қолганини билмасликлари ҳам мумкин. Хусусий усталарда таъмирланган рақамни автомобильга ўрнатар экан, унинг эгаси қонунбузарликка йўл қўяди. Ўз навбатида устахоналардаги автоусталар шунини ёдда тутиши керакики, бу турдаги маҳсулотлар кўпбола тарзда таъмирланганда, жумладан, голографик қоплам билан қоплаш ёки бўяш бўлади, унинг стандартга мувофиқлигини таъминлаб бўлмайди. Бундан ташқари, устахоналар эгалари – тадбиркорлар бу каби хатти-ҳаракатлари учун жазоланиши мумкин, чунки бу турдаги таъмирлаш лицензияланмайдиган, автомобиль эгалари эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасини бузганилиги учун жавобгарликка тортилди.

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақамларини алмаштириш тартиби белгиланган. Рақам синган ёки деформацияга учраган ҳолларда ЎзР ИИВ ИХББ РИБ бўлимларидан бирига мурожаат этиш керак. Бундай рўйхатдан ўтиш имтиҳон бўлимида бутун республика бўйича фаолият кўрсатади. Тошкентда тўртта – Сергели, Юнусобод, Чилонзор, Файзобод туманларида туманлараро рўйхатдан ўтиш имтиҳон бўлими бор.

Автомобиль эгаси тегишли шакллари тўлдирди ва иккита янги рақам тўплами учун энг кам иш ҳақининг бир баравари, тегишли равишда бир номер учун энг кам иш ҳақининг ярим баравари миқдоридан ҳақ тўлайди. Шундан сўнг бир ой давомида автомобиль эгасига барча талабларга ва стандартларга мос бўлган ҳудди шу туркум ва сериядаги янги рўйхатдан ўтиш рақами белгиси берилади.

Ҳар бир автомобиль эгаси ўз транспорт воситасига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга интилади. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақамини олар экансиз, шунини ёдда тутиш керакики, ушбу таниш белгиси тегишли муносабатни тақозо этади. Белгиланган қондаларга риоя қилган ҳолда автомобиль эгаси ўз автомобилида тегишли намунадаги давлат рақамига эга бўлиш билан бирга уни алмаштириш пайтида қондабузарликка йўл қўймайди.

Максим ЧЕРНОГАЕВ



ПАРВОЗДАГИ ЛОЧИНЛАР

Кўш нурларини балан д тоғлар ортидан эндигина борлиққа тарқатишни бошлаган маҳал биз ҳарбий аэродром томон йўл олдик. Узоқдан қараганда аэродром ҳудуди ҳали сукунат оғушидадек.

Аммо яқинроқ келишимиз билан унда ҳарбий хизматчилар парвозга шайланиб, жанговар вертолётлар ёнида олиб-югуришаётгани, ҳар бири ўз зиммасидаги вазифаларни адо этиш мақсадида ҳаракатланаётганини кўрдик. Бугун улар учун янада масъулиятли кун. Чунки жанговар вертолёт экипажи аъзолари ўзларининг навбатдаги амалий ўқ отиш машқларини бажаришади.

– Машгулотлар давомида асосан ҳар бир вертолёт экипажининг олдида қўйилган вазифаларни сифатли урдалашига ҳамда қолган жанговар учиб аппаратлари билан мувофиқликда ҳаракатланишига эътибор қаратилади, – дейди парвозлар бўйича катта муҳандис офицер Санжар Қодиров. – Шу билан бирга жанговар вертолётни парвозга тайёрлаш, унинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда харитада белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, нишонга зарба бериш каби вазифалар экипаж аъзолари зиммасида.

...Аэродром. Учиш аппаратларини самога кўтаришга шай экипаж аъзолари аввало, белгиланган тегишли қўриқлардан ўтказилди. Ундан кейин жанговар вертолётларнинг техник ҳолати текширилиб, алоқа воситалари ва учиниш назорат қилувчи асбоблар яна бир қарра кўздан кечирилди. Барча текширув ишлари тугагач, маълум масофадаги белгиланган нишонларни йўқ қилиш вазифасини олган лочинлар вертолётларга чиқиди.

Экипаж командирининг буйруғига биноан вертолётни ўт олди-

ришга шайланди. Ундан олдин шомол тезлиги ва йўналиши ҳамда атмосферанинг баландиқдаги босимнинг вертолёт корпуси ва деталларига кўрсатадиган таъсирлари инобатга олинди. Учиш аппаратининг двигатели ишга тушиб, горизонтал ва вертикал паррақларини ҳаракатга келтира бошлади. Бир неча сонияларда мотор ва паррақларнинг серквуват айланма ҳаракатлари таъсирида ву-жудга келган кучли гувиладан товуш аэродромни тўтиб кетди.

Парвозларни бошқарувчи рақбарга биринчи вертолёт экипажи командири учинишга тайёр эканлигини маълум қилди. Само кенгликларини диққат билан назорат қилаётган парвозларни бошқариш пунктдан жанговар вертолётнинг учинишига рухсат берилди.

– Учиш аппаратлари ердан кўтарилиб токи парвозни амалга ошириб, ортага қайтувчи радиолокатор ва бошқа махсус асбоблар ёрдамида бошқарув пунктдан туриб назорат қилинади, – дейди окдур вертолёт авиациясининг масъул офицери Туйғун Холмирзаев. – Бу ҳолатларда учиб техникалари билан доимий алоқа ўрнатилиб, вазият борасида тинимсиз маълумот олинди ҳамда тегишли кўрсатмалар бериб борилади. Биринчи жанговар вертолёт учиб-қўниш йўлига томон ҳаракатланиб келди ва гилдирлашнинг охирида бетон плиталаридан узганча осмонга кўтарилди. Унинг кетидан қолганлари ҳам бир неча дақиқа вақт оралиғида парвоз қилишди.

Самода белгиланган йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган мухир

увччи, машқларда эса экипаж командири вазифасини бажараётган офицер Отабек Камалов штурвал ёрдамида жанговар буририлиш ҳосил қилишга уринди. Вертолёт учувчига бўйсуниб, унинг муваффақиятли уриниши орқали маҳоратини намойён этди. Мана чап қанотта ва ундан кейин ўнроққа бурилган вертолёт белгиланган нишон сари ҳаракатланди. Учувчи-оператор капитан Умид Раҳматуллаев вертолёт мониторингидан электрон мўлжаллагични нишон маркази томон тўғриламақда. Мўлжаллагични нишонга тўғрилагач, экипаж командирига маълумот берди ва ўт очиб тугмасини босди. Бошқарувчи ракета нишон томон йўналди ва тўрт-беш сонияларда танк макетига тегиб портлади. Натижа ёмонмас. Яна жанговар буририлиш ва иккинчи ракета-нинг ҳаводаги изи кўринди. Буниси ҳам беҳато тегди. Шундан кейин пулемётдан ўқ узилиб, нишон батамом яқсон этилди.

– Мазкур машқларнинг назарий билимларининг амалда мустаҳкамланишида ва соҳа бўйича тажрибаларимиз юксалишида ўрни катта, – дейди экипаж командири ва моҳир учувчи офицер Сардор Султонов. – Бугунги амалий ўқ отиш машғулотига экипаж аъзоларимиз билан юқори натижаларни қайд этишни мақсад қилиб олганмиз. Шу сабаб олдиндан пухта тайёргарликлар қўриб, компьютер тренажёрларида маҳоратимизни оширганмиз.

Ушбу машғулотларда лочинларимизнинг билим ва маҳоратига қараб қойил қолмасликнинг илоҳий йўқ. Бир қарашда оддий ту-юлган аммо мураккаб вазифаларни ҳар қандай вазиятда бажара олиш кўникмаларини шакллантирган учувчиларимизнинг моҳирлиги сабаб само сарҳадларимиз ишончли қўлларда эканлигини гурурланасан, киши.

Тимур НАРЗИЕВ,
лейтенант

Россия Федерацияси пойтахтида буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Тадбир «Россотрудничество» Федерал агентлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.



Тантанали кечада илм-фан, маданият ва санъат арбоблари, миллий-маданий жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда Москва олий ўқув юрталарида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этдилар. Тадбир аввалида Россия Федерацияси маданият вазири Александр Авдеев томонидан йўлланган мактуб кеча катнашчилари эътиборига ҳавола қилинди. Унда таъкидланганидек, Алишер Навоий беназир ижодий меросининг кўламини инсонни ҳайратда қолдирадиган ижодий йўл, Алишер Навоий нафақат буюк шоир, тилшунос, файласуф ва таниқли сиёсий арбоб, балки илм-фан аҳли, мусаввир, мусикачи, шоир, хат-тотларнинг ҳомиysi бўлган, мадраса, шифохона, кўприклар барпо этилишига раҳбарлик ҳам қилган. «Бугун Алишер Навоий ижодининг инсонпарварлик йўналиши, яъни шоир тараннум этган халқлар ўртасидаги тинчлик, бағрикенглик тамойили бениҳоя долзарб ҳисобланадиган, у эл-элатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим омил бўлгани ҳолда, инсониятни тинчлик ва бирдамликка қўлаб турадиган» деган фикрлар ушбу мактубда ўз ифодасини топган. Сўнгра «Россотрудничество» раҳбари, Россиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Фарит Мухамедовнинг сўзига қўйиб, «Навоий каби буюк инсонлар – бу нафақат ўзи яшаган тарихий муҳитдаги маданий ҳаётга туртки берган, балки тарихий «Ўрта асрлар ренессанси» даврида Ўрта Осиёда

ги ўзбек ва бошқа халқларнинг илмий тафаккури ҳамда маънавий ҳаёти тараққиётига улкан таъсир кўрсатган ижодкорлардир», дея таъкидлади. Унинг фикрича, Алишер Навоий даҳоси Хомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Руставели, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой каби жаҳон адабиётининг йирик намоёндалари билан бир қаторда тилга олинадилар. Ўзбекистонда фаолият кўрсатган йилларни хотирилар экан, Ф. Мухамедовнинг кўйидаги мулоҳазаларини ўртоқлашди. «Тадбир менга қадим халқнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш ва Ўзбекистон

вой номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Анжуманлар саройи қарор топти», деди у. Кеча давомида буюк шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича сўз борди, унинг шеърларидан намуналар ўқилди, шунингдек, ўзбек мумтоз рақслари ижроси намойиш этилди. Москва Давлат тилшунослик университети талабалари ўзбек тилида Навоий асарларидан, жумладан, машҳур «Хамса» достонидан парчалар ўқиди. Тадбир «Форум жамғармаси» Ўзбекистонни тақдим этади» номли аjoyиб суратлар кўргазмасига улашиб кетди. Шу тариқа

МОСКВАДА БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИ ЁДГА ОЛИНДИ

тонни севиб қолишдек аjoyиб имкониятни тақдим этди. Бу гўзал мамлакатда бир неча йил ишлаш давомида мен одамларнинг Алишер Навоий бетақдор меросини авайлаб-асраш ва ўрганишга қай даражадаги ардоқ ва ҳаяжон билан ёндашишларига бир неча қарра амин бўлганман. Ўзбекистонда Шарқнинг кўлаб халқлари маданий тараққиётини гажинасига салмоқли ҳисса қўшган бошқа ёрқин тарихий аллома ва мутафаккирлар меросига ҳам худди ана шундай муносабат маъқулдир», деди у. Ўзбекистоннинг Россиядаги элчиси ўз қиёсига буюк шоиримиз, унинг инсонпарварлик, эзулик, миллатлараро ҳамжихатлик, бағрикенглик, олижаноблик голяри билан суғорилган асарлари бутун дунёга машҳур эканлиги ва унинг табаркур номи чўқур ҳурмат билан тилга олинишини алоҳида таъкидлади. У Алишер Навоий асарлари дунёнинг турли тилларида таржима қилинган ҳақида тўхталиб, буюк шоир ижоди ҳамон кўлаб мамлакатлар илм аҳлининг тадқиқот мавзуси бўлаётгани унинг бебаҳо адабий меросига нисбатан кечик суҳуратнинг ифодаси ҳисобланишини қайд этди. «Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидаёқ давлат раҳбари ташаббуси билан пойтахтда Алишер Навоий номидаги боғ барпо этилиб, шоирнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилди. 2011 йили Тошкент шаҳри марказида улғувор «Маърифат маркази» мажмуаси қурилиб, унда Алишер На-

воий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Анжуманлар саройи қарор топти», деди у. Кеча давомида буюк шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича сўз борди, унинг шеърларидан намуналар ўқилди, шунингдек, ўзбек мумтоз рақслари ижроси намойиш этилди. Москва Давлат тилшунослик университети талабалари ўзбек тилида Навоий асарларидан, жумладан, машҳур «Хамса» достонидан парчалар ўқиди. Тадбир «Форум жамғармаси» Ўзбекистонни тақдим этади» номли аjoyиб суратлар кўргазмасига улашиб кетди. Шу тариқа

деди у. — Бу маҳобатли ҳайкал Ўзбекистон ҳукумати ва Тошкент шаҳар маъмурияти томонидан Россия пойтахтига соғва қилингани яхши эслаймиз. Ушбу майдон беш ун тарихан дўст бўлган Ўзбекистон майдони, дея татиб келмоқда. Хозирги вақтда Дўстлик ва ҳамкорлик жамияти олдига ушбу майдонда ўзбек маданияти марказини барпо этиш вазифаси турибди. Унда турли асарлар, китоблар, ўзбек халқ амалий санъати намуналари намойиш қилиниши, бу орқали Москва аҳолиси ва пойтахт меҳмонлари ўзбек халқининг бой маданий мероси билан янада кўпроқ танишишлари мумкин бўлади. «Орадан ўтган 10 йил давомида Ўзбекистон дўстлари, Навоий ижодининг ихлосмандлари буюк даҳонинг пурҳикмат ўғитлари ва дostonларини яна бир бор ёдга олиш учун бу майдонга келиб туришлари аниҳана тусини олди. Шу ўринда буюк мутафаккирнинг чўқур маънога эга қўйидаги доҳиёна сўзларини келтиришни истар эдим: «Бу гулшан ичра йўқдир бако гулгига сабот, ажаб саодат эрур қолса яхшилик бирла от». Бундан яхшироқ ва бундан аникроқ бошқа бирор сўз айта олмайсан, киши», деди у. «ИнфоШОС» ахборот-таҳлилий порталнинг бош муҳаррири Татьяна Синицина фикр билдирганидек, Алишер Навоий ўз образлари ва туйғулари дунёси билан бутун Ўрта Шарқ халқларининг шеърлигига, энг аввало, ўзбек адабиётига янги руҳ бахш этди. «Навоийнинг хизмати нафақат унинг ўзбек наъми ижодининг кечик имкониятларини жуда яхши кўрсатиб берганилиги ва туркий тилда доҳиёна асарлар яратганилиги, балки ўз даврининг илгор, инсонпарварлик голярини уларнинг бутун мурақабалиги ва зиддиятчилиги билан ифода этганидир», деди Т. Синицина. Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси магистри Маским Бунашев ўзининг қўйидаги мулоҳазаларини билдирди: — Бугун биз буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигини нишонламоқдамиз, — деди у. — Биз Ўзбекистонлик талабалар учун буюк аждодларимиз билан маънавий боғлиқликни ҳис қилиш жуда муҳимдир, зеро уларнинг маънавий қадриятлари бизнинг онгу шууримизга таъсир этиб, янгича фикрлашимизга ва меҳнат қилишимизга даъват этади. Ўзбекистон ёшлари ўз мамлакатини муноси равишда намён қилиши ҳолда, ўзбек халқининг бой маданий-тарихий меросини тарғиб-таъбиқ этаётгани баробарида икки томонлама дўстона алоқаларнинг мустаҳкамлашишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Ўз сўзи яқинида М.Бунашев А.Навоий қаламига мансуб бўлган қўйидаги сатрларни ўқиди: Олам аҳли билингимиз, иш эмас душманлиг, Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш. «Жаҳон» АА Москва

ТАЛАБАЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси талаба-ёшларнинг билим олиши ва фан чўққиларини мукамал эгаллашлари учун қулайлик яратиш мақсадида нетбуқлар сотишни йўлга қўймоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси талабалар учун нетбуқларни пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишни режалаштирмоқда. Талабалар нетбуқнинг пулини олий ўқув юртида ўқиш яқинида ёки стипендиядан ҳам тўлашлари мумкин бўлади. Ҳеч қимга сир эмаски, юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёнида ўқув юрталарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, ўқув-услубий адабиётларни тақомиллаштириш, дарс жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Айни пайтда таълимга янги ахборот технологияларини кенг жорий этиш, таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари фаолиятини замонавий талаб ва мезонлар асосида ташкил қилиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Талабанинг оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи компьютер ва интернет техникаси ёшларнинг билим ва саводхонлигини ошириш, глобаллашув жараёнида уларни ўз устида кўпроқ ишлаш, ташаббус ва инициатива қўлаш, юртимизда ва хорижда бўлаётган вояеқа-ҳодисалардан теъроқ билан баҳардор этишда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг нетбуқлардан дарс жараёнида фойдаланиши эса машғулотларни теъроқ ўзлаштириш, янгилик ва долзарб хабарлардан оғоҳ бўлиш, юртимиздаги қўнуқлилик базасини мукамал ўрганишда кўмаклашиши шубҳасиз.

XXI асрни ахборот технологиялари жадал ривожланган ва шиддат билан ўтиб бораётган, вақтни қўтиб ўтирмайдиган замон асри десак хато бўлмайди, — дейди UzDaily «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори Махсум Махмудов. — Ҳужас билимли, интеллектуал салохиятли, ўз мустақил фикрига эга ва фуқаролик позицияси шакланган баркамол авлоднинг вояеқа етказиш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига қўтаришган. Шунга жавобан серғайрат ёшларимиз ҳам замон билан ҳамнафас бўлиб, ўз иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этаётгани кувонарлидир. Биз талаба-ёшларнинг ўқиш ва ишларида янада қулайлик яратиш мақсадида уларга арзонлаштирилган нетбуқларни тақлиф этмоқдамиз. Ёшлар нетбуқларини интернетга Uzmobile (CDMA 450 стандарти) моделлари ёрдамида улашиши мумкин. Бугунги талаба бир кун ҳам интернетсиз ўша олмайди. Сабаби, сония сайин ўзгариб бораётган глобаллашув жараёни улардан ҳаммиша серғак, оғоҳ бўлишни, дунё янгиликлари билан танишишни, ўз устида тинмай ўқиш ва изланишни талаб этаётган.

Азиза ҚИЁСОВА,
«Туркстим-пресс»

Шиддат билан ривожланиб бораётган замонда инсониятнинг табиатга, атроф-муҳит, қолаверса экологияга қўрсатаётган таъсири бугунги кунда ҳеч қимга сир эмас.

Йиллар давомида дунё олимлари томонидан ўтказиб келинаётган тадқиқотларда аниқландики, XX аср мубайнида ер юзиде асосий сабаб қилиб, буҳона газларининг тўпланиши натижасида бунинг таъсири қучайиши тўғрисида қўлаб кўриш деган таъминлар ҳам келтирилган. Шунингдек, булардан ташқари сўнги ўн йилликда атмосфера қўбигида карбонат ангидрид газларининг йиғилиши 3 баробар, метан газларининг тўпланиши эса 2,5 баробар ошган деган маълумотлар келтирилди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа шў каби тармоқлар қиндилари атмосфера таркибий тўзилишининг жиддий ўзгаришига сабаб бўлмоқда ва уларнинг табиатга қўрсатаётган таъсири кундан кунга қучайиб бормоқда. Чўланиш жараёнининг ортиши ва биологик хилма-хилликнинг камайиши оқибатида ернинг юза қатламида катта ҳудудларнинг нам алмашиш ва нур қайтариш қобилияти ўзгарган, экотизимларнинг атропоген тизимларни ютиш имконияти ҳам аввалгидек эмас.

Мамлакатимизда бу каби муаммоларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Хусусан, Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор қонунлар ишлаб чиқилди. Фактлар асосида мисоллар келтирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги (1992), «Ер ости бойлиқлари тўғрисида»-ги (1994), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»-ги (1993), шунингдек, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги (1996), «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»-ги (1997) ва бошқа кўлаб қабул қилинган Қонун ва қонун ости ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Орол денгизининг қуриб бораётгани бугунги кунда глобал муаммага айланиб улгурди. Сўнги 40 йил мубайнида Орол денгизи акваторияси 7 баробар, сув ҳажми 13 марта, сув сатҳи 26 метр пасайиб, қирғоқлари юзлаб километрга чеккинган. Ачинарлиси, сувга нисбатан нотўғри ёндашув натижасида айрим

жойларда сувнинг шўрланиши 1 литрда 280 граммни ташкил қилади.

Ҳўкуматимиз томонидан ушбу долзарб муаммоларни бартараф этиш борасида денгизнинг қуриган тубида ўрмонзор барпо этилаётган. Шунингдек, гармсел қайтаридиган, зарарли тузларнинг ҳавога қўтарилишига қарши саксовуллар, қиркез, юлғун, қандим ва шў каби табиий шароитта мос, қўшимча сув талаб этмайдиغان қўчтарлар экилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича бу каби амалга оширилаётган ишлар келгусида ушбу жойларда қўчқичларнинг олдини олишда айна мўддао бўлади.

Дарҳақиқат, истиқлол тўғрисида мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси борасида кўлаб самарали ишлар йўлга қўйилган. Бу каби экологик ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлатимиз қатор халқаро миқёсдаги Умумжаҳон Конвенцияси ҳамда келишувларга қўшилди. Жумладан, «Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси» (1993), «Хавфли чи-

қиндилар ва нейтраллашни назорат қилиш бўйича Базель Конвенцияси» (1995) ва биологик хилма-хилликни сақлаш, сув қушларини асраш, чўланишнинг олдини олиш, иқлим ўзгариши бўйича БМТ, Рамсар ва бошқа Конвенцияларни ратификация қилди. Бугунги кунда табиий ресурслардан фойдаланишда аҳоли эҳтиёжларининг нисбатан аниқ ҳисобини юритиш, энергетика манбаларини ишлашда мўқобил энергия ресурсларидан фойдаланишни кенг жорий этиш лозим. Дунёда мўқобил энергия тури ҳисобланадиган қўёш ва шамол энергиялари бугунги кунда энг тежамкор ва экологик хавфсиз энергия манбаи дея тан олинган. Бир сўз билан айтганда, атроф-муҳит муҳофазаси ҳозирги замоннинг кескин айтимиди муаммолардан бирига айланди. Буларнинг янада авж олмаслиги мақсадида ҳар биримиз табиатни асраш борасида ўз ҳиссамизни қўйишимиз, атроф-муҳитга бунданда эътиборлорқ бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этаётган.

Зоиржон АБРИЕВ,
ТДИУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
Учтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказилишини қайта эълон қилади

Тошкент шаҳрида
Мирзо Улугбек туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ҳамза туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ҳамза туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза.
2. Паспорт нусхаси.

3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимиде уч йил мубайнида ишламаган талабгорлар учун эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўчирма).

6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил мўддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2012 йил 13 март)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ қўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман СИБ томонидан 1-630/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор М-17/18-даха, 27-уй, 11-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 69,66 кв.м бўлган, 3 та яшаш хонасидан иборат уй-жой тақдоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 91 249 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 март кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мўддати: 2012 йил 9 март кунни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коркамийш қўчаси, 1 А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: RR-0001. Расмий сайти: www.1kms.uz

Мухтарам юртдошлар! Сиз учун имконият.

«Ko chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги қўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва турар жой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини қўрсатади ҳамда савдоларни қўнуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Қўрсатилётган хизматлар «Ko chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қўйилган таърибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Ko chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафолатлаймиз.

«EURO TEX» масъулияти чекланган жамияти трикотаж фабрикаси-га тикувчиларни ишга тақлиф қилади. Маълумот учун тел: 716-77-37, 457-86-97.

«Кўп тармоқли иختисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш қорхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Тақрорий аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Уз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 06.07.2009 йилдаги №11906/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1988 йилда и/ч/к., дав. бел. 30 Т 96 11 бўлган «Ауди-А6» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 943 230 сўм. 2. 04.05.2009 йилдаги №7490/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1985 йилда и/ч/к., дав. бел. 11 Ж 3081 бўлган «БМВ-318» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 730 036 сўм. 3. 01.02.2010 йилдаги №2307/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1976 йилда и/ч/к., дав. бел. 11 Т 1686 бўлган «Ваз-21011» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 298 781 сўм. 4. 05.10.2009 йилдаги №16788/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1988 йилда и/ч/к., дав. бел. 10 Р 4257 бўлган «Форд Скорпио» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 405 841 сўм. 5. 30.04.2010 йилдаги №12157/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 2006 йилда и/ч/к., дав. бел. 14 В 6346 бўлган «Митсубиси Пажеро» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 23 994 955 сўм. 6. 06.07.2009 йилдаги №11905/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1976 йилда и/ч/к., дав. бел. 10 Ж 6618 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 244 463 сўм. 7. 14.06.2010 йилдаги №18796-98-сон ижро ҳужжат, асосан, 2004 йилда и/ч/к., дав. бел. 30 W 4060 бўлган «Wolksvagen Beetle» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 587 482 сўм. 8. 04.10.2010 йилдаги №26938/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1991 йилда и/ч/к., дав. бел. Х 014 CAN бўлган «Мерседес Бенс-200» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 572 100 сўм. 9. 02.02.2009 йилдаги №2809/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1986 йилда и/ч/к., дав. бел. 30 S 1940 бўлган «Honda Civic» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 155 620 сўм. 10. 14.06.2010 йилдаги №34504-06/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1995 йилда и/ч/к., дав. бел. 11 Q 9404 бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 502 878 сўм. 11. 05.07.2010 йилдаги №10442/15-сон ижро ҳужжат, асосан, 1995 йилда и/ч/к., дав. бел. 30 F 6525 бўлган «Hyundai-Sonata» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 281 400 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 9 март кунни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 2020800090492477001, АИТБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9:30 дан 18:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимодоли савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилмиз: Матбуотчарлик қўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини йилдензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти жамоаси лицензиялаш бўлими бошлиги Шўҳрат Орипович Азимовга онаси **РОВАЯ** янинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдирди.

